Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил 5 январь ШАНБА
№ 1 (12.533)

1928 йил 11 декабрда асос солинган
Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
www.th.uz

## Вилоят ҳаёти

Қибрай тумани

### ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

"Камолот" ЁИҲ туман кенгаши вакиллари "Шодлик" маҳалласида истиқомат қилаётган имконияти чекланган 4 болани байрам билан қутлаш учун хонадонларига ташриф буюрди.

Ҳаракат аъзолари болажонларга байрам совғаларини топширдилар.

Бекобод тумани

### ЯНГИ ЙИЛ ЯНГИ БИНОДА

"Парчаюз" маҳалла фуқаролар йиғини Янги йилни янги бинода қарши олди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва тегишли ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари билан қаровсиз ётган бинони таъмирлашга 16 миллион сўм сарфланди.

Зангиота тумани

### «КАМОЛОТ»НИНГ БАЙРАМ ДАСТУРИ

"Камолот"дан Янги йил" лойиҳаси доирасида туман маҳаллаларидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари учун байрам дастури уюштирилди.

Ташкил этилган "Кўчма арча" ва "Янги йил муборак!" мавзусидаги тадбир болажонларга қувонч бахш этди. 10 нафар болажонга байрам совғалари топширилди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

Чиноз тумани

### ОЛТИН ВА КУМУШЛАР ШОДАСИ

40-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Отабек Мамбетов Ҳиндистонда бўлиб ўтган каратэ бўйича VI Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, Олим Ҳусанов бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлди. Яна бир чинозлик Сардор Музаффаров бокс бўйича Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Янги йил байрами арафасида туман ҳокимлигида чемпионларни тақдирлаш маросими уюштириб, ғолиб ва совриндор спортчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

Президент арчаси



# ҚИБРАЙ «БАҲОР»ИДА ШОДИЁНА

**Қибрай туманидаги "Баҳор" тўйхонасида вилоятимиз Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари учун Янги йил байрами ташкил этилди.**

Тантанали байрамда республика Маданият ва тарғибот маркази раҳбари Ғуломжон Мирзаев иштирок этди.

Туман марказий маданият уйлари қошида фаолият юритаётган "Шодиёна" болалар театри, "Шаҳноз" намунавий рақс ансамбли, Чирчиқ шаҳар Чайковский номидаги мусиқа-санъат мактаби бадиий жамоалари ижросидаги спектакль, рақс, куй ва қўшиқлар болажонларга байрам шукуҳини ҳадя этди.

Шунингдек, вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлими хонандаларининг байрамона куй-қўшиқлари барчага хуш кайфият улашди.

Вилоят ҳокими Рустам Холматов болажонларга Президент совғаларини топширди.



**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Қарор ва ижро

# САРА ЙИГИТЛАР – ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА

**Мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришда ҳар томонлама соғлом, бақувват ёшларни танлов асосида саралаб олишга эътибор қаратилмоқда.**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

"Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расуловнинг айтишича, айни кунда мудофаа ишлари бўлими ходимлари, чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирокида жойлардаги маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувларда ёшларга давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори мазмун-моҳияти, муддатли ҳарбий хизмат ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат билан боғлиқ тартиб-қоидалар кенг тушунтирилмоқда. Шунингдек, ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбийларга яратилган шарт-шароитлар, уларга берилаётган имтиёзлар, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида атрофлича маълумот берилаётир.

Вилоятнинг Зангиота туманида ҳам мудофаа ишлари бўлими ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, улар билимини тест синовидан ўтказиш, жисмоний тайёргарлигини баҳолаш борасидаги ишлар изчил олиб борилаётир.

2012 йили Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежини тамомлаган Алишер Абдураҳмонов муддатли ҳарбий хизматга бориш учун пухта тайёргарлик кўрди. Коллежни аъло баҳоларга битирган бу йигит спортнинг дзюдо тури билан анча вақтдан бери мунтазам шуғулланади.

– Турникда тортилиш, юз ва минг метр масофага югуриш бўйича ўтказилган жисмоний тайёргарлик синовларида юқори балл тўпладим, – дейди Алишер. – Давлат тест маркази ходимлари иштирокида ўтказилган тест синовида ҳам юқори балл йиғишга муваффақ бўлдим. Бунда менга коллежда олган билимларим қўл келди. Шу тариқа навбатдаги чақирувда муддатли ҳарбий хизматга кетиши мумкин бўлган чақирилувчилар рўйхатига киритилдим. Ватан ҳимоячилари қаторига қўшилаётганимдан беҳад хурсандман.

Жорий чақирув мавсумини уюшқоқлик ва юксак савияда ўтказишга киришган Зангиота тумани мудофаа ишлари бўлимида ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари замонавий талаблар даражасида ташкил этилган.

(Давоми 2-бетда).

# БЕШ ОКРУГДА САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТАДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш тўғрисида"-ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ 46-Қизғалдоқ, 22-Ғазалкент, 53-Эски Тошкент, 58-Ниёзбоши, 1-Ангрен сайлов округларида Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказишга қарор қилинди. Сайлов 2013 йил 27 январь – якшанба куни ўтказилади.

Вилоят сайлов комиссияси Қонун доирасида бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш учун тайёргарликни бошлаб юборди.

Экология

# ИЗЧИЛ ИШЛАР САМАРАСИ

**Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда вазирликлар, қўмиталар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экологлар ва журналистлар иштирок этди.**

Йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда Экоҳаракат томонидан амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б. Алихонов Экоҳаракатнинг дастурий мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш йўлида тизимли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда экологик қонунчиликни такомиллаштириш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофазалаш билан боғлиқ устувор вазифаларга жамоатчиликни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, экология ва тиббиёт йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва аҳоли фаол иштирок этди.

Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорлик кўлами ҳам тобора мустаҳкамланмоқда. 2012 йилда бир қатор хорижий экологик ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Трансчегаравий экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини камайтириш, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид тадбирлар ташкил этилди.

**ЎзА.**

Сарҳисоб

**Мамлакатимизнинг мустақил ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёти йўлида яна бир довон ошиб ўтилди. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир оиланинг бахту саодати, келажаги, орзу-интилишларини таъминлашда Мустаҳкам оила йили муҳим босқич вазифасини ўтади.**

# МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

– Юртбошимиз Бош Қомусимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаларида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси берган самараларни чуқур таҳлил қилиб, шу жараёнларнинг узвий давоми бўлиб қолувчи Обод турмуш йили вазифаларини тўлиқ таърифлаб бердилар, – деди "Тошкент ҳақиқати" мухбири билан суҳбатда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви бош мутахассиси Зулхумор Жўраева. – Уларни амалга оширишда, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни, тинч-тотувликни ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Шуни назарда тутиб, давлатимиз раҳбари "Маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир", деб таъкидладилар.

– **Шу маънода якунланган йил маҳаллалар ҳаётида қандай из қолдирди?**

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги дастурига биноан маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия янада кучайтирилди. Маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун жойларда семинарлар ташкил этилиб, уларнинг малакалари оширилди, янги тажрибалар билан бойитилди. Чунончи, маслаҳатчилар "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" тизимида айниқса самарали иш олиб бордилар. Бунда асосий эътибор ички ишлар идоралари рўйхатидаги нотинч оилалар ва шундай оилалардан бўлган ўқувчилар тарбиясига қаратиляпти. Шу мақсадда улар учун 1982 та суҳбат ва тушунтириш ишлари ташкил этилди. Меҳнат муҳофазаси ва шахсга қарши жиноятларнинг олдини олишга доир қонун ҳужжатларини тушунтириш мақсадида 61 та ўқув машғулоти ўтказилди.

(Давоми 3-бетда).

# ТОПОНИМИК НОМЛАШ ВА ҚАЙТА НОМЛАШ

## муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масала

Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг географик объектларнинг номлари билан боғлиқ қонун-қоидаларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида махсус қарор қабул қилганига уч ой бўлаяпти. Давлат қонуни ва ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда нима ишлар қилинаяпти?

"Тошкент ҳақиқати" мухбири вилоят "Ермулккадастр" хизмати давлат унитар корхонаси бош муҳандиси Мурод Ғанихўжаев билан шу мавзуда суҳбатлашди.

– Географик объектларга ном бериш ва зарурат туғилганда қайта номлаш ҳамда уларнинг давлат реестрини яратиш ва юритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир, – деди бош муҳандис. – Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган махсус қарори географик объектларни номлаш ва қайта номлашга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ҳамда самарали амалга оширишга қаратилган бўлиб, Бош вазир раислигида тузилган республика комиссияси таркиби ва унинг Низоми, шунингдек, ҳудудий комиссиялар тўғрисидаги Намунавий низом ушбу қарор билан тасдиқланган.

– **Давлат қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида кенгроқ тушунча берсангиз.**

– Географик номлар, жумладан ҳудудлардаги географик объектлар (шаҳарча ва қишлоқлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари – маҳалла, шоҳкўча, кўча, майдон, боғ, хиёбонлар), транспорт ва муҳандислик-техник инфратузилма объектлари (темир йўл станциялари, автостанция, вокзал, порт, пристан, кўприк, разъезд, йўл, канал, сув омбори, тўғон, дамбалар), табиий объектлар (дарё, кўл, музлик, текислик, тоғ, тоғ тизмалари, чўл, водий, дала, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд ёнбағир ва фойдали қазилма конлари) номларини қатъийлаштиришда ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига, маҳаллий аҳоли берган маълумотларга ҳудудий комиссияларнинг таклифларига, топонимика соҳаси мутахассис олимларининг илмий тавсияларига таяниб иш кўриш лозимлиги қарорда таъкидланган.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

# САРА ЙИГИТЛАР – ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА

Бўлажак аскарларни тиббий кўрикдан ўтказаётган малакали шифокорлар замонавий тиббий воситалар, диагностика аппарати ва компьютерлар билан таъминланган. Чақирилувчилар шу ернинг ўзида дерматолог, жарроҳ, тиш, асаб тизимлари, қулоқ, бурун ва томоқ, кўз касалликлари шифокорлари ҳамда терапевт кўригидан ўтмоқда.

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармасидан маълум қилишларича, ўтган йиллари вилоятнинг Чиноз, Оққўрғон, Паркент, Бекобод ва бошқа туман ҳамда шаҳарлари мудофаа ишлари бўлим ва чақирув пунктлари иситиш тизими ва бинолари замон талаблари асосида таъмирланган. Айни пайтда Юқори Чирчиқ тумани мудофаа бўлимининг янги биносини қуриш ишлари якунланмоқда.

Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларининг йиғин ва чақирув пунктлари инфратузилмасини ривожлантириш, соҳа ходимлари ва чақирилувчилар учун қулай шарт-шароит яратиш, чақирув билан боғлиқ ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самаралардандир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Раҳбар салоҳияти

# ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИДАН ЯШНАГАН МАСКАН



**Ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежимизнинг муҳташам биносига кириб борар экансиз, шинам ҳовлининг кўркига кўрк қўшиб турган ям-яшил арчалар баҳри-дилингизни очади. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Азиз Қўшбоев директор бўлганидан кейин ишлар янада юришиб кетди.**

У аввало коллежда тартиб-интизомни кучайтириб, ўқувчилар давоматини кўтаришга катта эътибор қаратди. Ўзи ёш бўлгани боис ёшларнинг қизиқишларини эътиборга олиб, маънавий-маърифий ишларни жонлантириб юборди.

Касб-ҳунар коллежлари Истиқлол иншоотларидан бири эканини, бу ерда ёшларнинг билим ва салоҳиятлари жадал юксалиб боришини ўқитувчи ва ота-оналарга тўғри тушунтириб, уларда ҳам коллежга қизиқиш, ҳурмат-эътибор уйғота билди. Устоз-мураббийлар янги инновацион технологиялар асосида дарсларни ташкил этиш учун бор билим ва салоҳиятларини сарфлашмоқда. Бир сўз билан айтганда, янги директор ўз қобилияти ва билими билан коллеждаги муҳитни соғломлаштиришга эришди.

Бевосита директор бошчилигида 310 та арча кўчатлари экилди. Теварак-атроф ободонлаштирилди. Коллежимиз ҳар жиҳатдан туман коллежлари ичида пешқадамликка эриша бошлади. Директорни маънавий қўллаб-қувватловчи аҳил-иноқ меҳнат жамоаси шаклланди.

Янги раҳбар нафақат ўз фани, балки Она Ватанимиз тарихини чуқур билиши ҳамда касб-ҳунарни пухта эгаллаган ёшларни етказиб бериш энг муҳим вазифамиз эканини дилимизга жойлай олди.

**Гулбаҳор МАМАТХЎЖАЕВА,**
**Оққўрғон тумани.**

Шукрона

# ҲАЁТДАН ЗАВҚЛАНИБ ЯШАЯПМАН

**Чинозлик Холмат ота Эшматов 87 ёшга қадам қўйдилар. Касблари – доришунос. Ўн фарзанднинг отаси, қирқ нафар неваранинг бобоси. Отахоннинг Чиноз шаҳар, Шароф Рашидов кўчасидаги хонадонларида бўлиб, ҳаёт йўллари, узоқ умр кўриш сирлари ҳақида суҳбатлашдик.**



– **87 ёшингизда бардам, тетик, ҳаракатчансиз. Бунинг сири нимада?**

– Мен ҳеч қачон таомдан парҳез қилмаганман. Оддий ҳаёт кечирдим. Доимо иш билан банд бўлдим. Эллик йил турли дорихоналарда ишладим. Ўн фарзандимнинг ҳар бирига меҳрим алоҳида бўлган. Уларни уришиб-сўкмадим, фақат насиҳат қилдим. Болаларга феъл-атвор оиладаги муҳитдан, ота-онадан ўтар экан. Болаларим хушхулқ бўлиб етишишди. Бугунги бахтим, хотиржамлигим шундан.

Биласизми, мен ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад қилмаганман. Сабр билан, шукр қилиб, хотиржам яшадим. Кўнгилсизликларни орқага ташладим. Бу сабр-тоқат енгил бўлмаган болалигим, ёшлигим туфайлидир балки...

– **Ўша даврлар ҳақида гапириб берасизми?**

– Отам пахта тозалаш корхонасида оддий ишчи эди. Тақдир тақозоси билан беш яшар пайтимда она меҳридан бенасиб қолдим. Уч яшар синглим бор эди. Кейинчалик у вафот этди. Мени Ялламадаги амаким оиласи бағрига олди. Отам куни бўйи ишда эди-да. Ўттизинчи йиллар – очарчилик даврлари. Мактабдаги дарсларимдан кейин далага ишга чиқардим. Чунки, ишлаганларга шийпонда атала беришарди.

Мактабни битириб, уч йил колхозда табелчилик қилдим. Кейин, 1948 йилда Тошкентдаги Охунбобоев номли техникумнинг доришунослик бўлимига ўқишга кирдим. Тошкентга биттагина поезд юрарди. Чиноздан саҳарги соат тўртда жўнарди. Кечикмаслик учун темир йўл бекатидаги чойхонада ётиб қолардик. Тошкентда ижара уйда турганман. Амакимнинг аёли, (у кишини она дердим) тандирга олтита нон ёпиб берардилар. Шу нонни олти кунга етказишим керак. Баъзи кунлари ижара уй эгаси бир коса овқат берарди. Шундай қилиб икки йил ўқидим. Кейин ҳарбий хизматга чақиришди. Украинанинг Львов шаҳрида уч йил хизмат қилдим. Қайтгач, елкамда юкхалтам билан тўғри техникумга бордим. Аслида учинчи босқичдан ўқишни давом эттиришим керак эди. Учинчи босқич йўқ экан, яна иккинчи босқичдан ўқийвердим. 1954 йили, охирги курсда ўқиётганимда Тошкентдаги 1-дорихонага ишга кирдим. Шундан кейин ҳаётим анча яхшиланди.

Ўқиш ана шундай қадрли бўлган. Шунинг учун яхши ўқидим. Олган билимларим умрим бўйи асқотди. Техникумни битириш арафасида амаким ёрдамида оилалик бўлдим.

– **Меҳнат дафтарчангизда турли вилоятлар ёзилган. Ўз хоҳишингиз билан бориб ишлаганмисиз?**

– Ўқишни битириб, 1956 йили Чиноздаги дорихонага ишга кирдим. У пайтларда вилоят, республика бошқармалари мутахассисларни кадр топилмаган ҳудудларга йўлларди. Келаси йили мени бошқарма Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги "Сурхон" совхозига йўллади. Ўша ерда иш бошладим. Бир хонали уй беришди. Оиламни ҳам олиб келдим.

Бир йилга жўнатишган эди. Уч йил қолиб кетдим. Қайтганимдан кейин бошқармамиз Мирзачўлга йўллади. Жой танламадим, ўжарлик қилмадим. Шундай бўлиши керак экан, деб кетавердим. Силга қарши диспансерда дорихона мудири бўлиб ишладим.

Фақат 1978 йили Сирдарё вилоятидан Чинозга қайтдим. Бу пайтда йигирма тўрт йиллик иш тажрибам бор эди. Чиноз поликлиникаси қошидаги дорихонада ишлаб, 1988 йили нафақага чиқдим. Шундан кейин ҳам уч йил ишладим.

Кўп қийинчиликлар бўлган. Айтдим-ку, мен уларни орқага ташлаганман, деб. Болалигим оғир ўтгани учун фарзандларим даврасида ором топардим. Ҳозир ҳам шундай.

– **Фарзандларингизнинг бугунги касб-кори, оила тутумидан кўнглингиз тўқми?**

– Тўнғичим Муроджон новвой. Абдураҳим 57 ёшга тўлди. У билан Абдуолим, Маҳмуд салқин ичимликлар корхонасини юритишади. Мақсуд ҳам тадбиркор. Қизларим Муҳаббат, Мастура, Моҳира, Маҳбуба ўз оилалари билан бахтли. Фарзандларимнинг онаси 2004 йилда вафот этди. Келинларим жуда меҳрибон.

Яқинда пенсия идорасига борсам, бир қиз тушмагур: "Ота, пенсиянгизни оширгани келдингизми?" дейди. "Йўқ қизим, бошқа иш билан, пенсиям етади, йилига икки марта ошяпти-ку" дедим. Рост-да, бугунги кунларга шукрона айтиш керак. Фарзандларим мен минмаган машиналарни минишди, ўзларига тўқ.

– **Пенсияга чиққанлар зерикиб қолади, деган гап бор...**

– Сираям. Ҳар куни Чиноз марказига пиёда бориб келаман. Янгиликларни эшитаман, кўраман, қувонаман. Пенсиямга китоблар оламан. (Ўрнидан туриб, китоб билан тўла жавонни очадилар). Қаранг, ўзбек, рус тилидаги китоблар. Ҳозир Нуриддин Исмоиловнинг "Иблис салтанати" китобини ўқияпман. Телевизор кўраман, айниқса ахборотни канда қилмайман. Бадиий фильмларни ҳам томоша қиламан. Шундай дориламон кунларга етказганига шукр.

**Абдужалол РАҲИМОВ**
**суҳбатлашди.**

Танлов

**Ўзбекистон ва Бельгия давлатлари ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганига 20 йилдан ошди. "Ўзбекистон – Бельгия" дўстлик жамияти ташаббуси билан ташкил этилган "Бельгияни биласизми?" танлови ва Темурийлар тарихи давлат музейи экспозиция залларидан бирида уюштирилган фотокўргазма икки ой давом этиб, ўн мингдан зиёд томошабин ташриф буюрди.**

# БЕЛЬГИЯНИ БИЛАСИЗМИ?

Танловнинг якунловчи босқичи ўтган шанба куни "Музейдан олган таассуротларим" тадбири доирасида ўтказилди. "Ўзбекистон-Бельгия" дўстлик жамияти, Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Бельгия қироллигининг Ўзбекистондаги фахрий консули, республика Халқ таълими вазирлиги, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда иштирокчилар икки шарт - "Энг яхши иншо" ва "Энг яхши расм" муаллифлари номини олиш учун курашдилар.

Танловда қатнашган тарихчи олимлар, тадқиқотчи ва музейшунослар номидан сўзга чиққанлар танловнинг аҳамияти, ушбу тадбир икки мамлакат аҳолисини ўзаро танишув ташрифлари, кўргазма, илмий-амалий конференция ва семинарлар уюштириш Ўзбекистон билан хорижий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашини таъкидладилар.

Танлов комиссияси "Энг яхши иншо" ва "Энг яхши расм" шартлари бўйича совринли ўринларни эгаллаганлар номларини эълон қилди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Ҳунардан унар

# ЁШЛАР ИЖОДИГА ҚАНОТ

Қуйи Чирчиқ туманида "Баркамол авлод" болалар маркази ташкил этилганига кўп бўлмасада, ёшларнинг энг севимли масканларидан бирига айланиб улгурди. Ҳозир марказ тўгаракларига 408 нафар ўқувчи-ёшлар қатнашяпти. Уч йўналиш – бадиий ижодкорлик (бичиш-тикиш, тўқиш, моҳир қўллар, пазандачилик, қандолатчилик, фольклор ва рақс), техник ижодкорлик (компьютер саводхонлиги, интернетдан тўғри фойдаланиш) ва экология, ўлкашунослик ("Ёш табиатшунос" ва "Ёш сайёҳ") бўйича 13 ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия беради.

Тўгарак дарслари замонавий услубда. Шу билан бирга миллий қадрияту анъаналарга ҳурмат ва эътиқод руҳида олиб борилади. Ёшлар ижодига қанот бағишлайдиган бундай сабоқлар "Қўли гулдир ўзбек аёлин" республика савдо кўргазмаси совриндори Рита Нургазиева бошчилигида жуда қизиқарли олиб борилади. Шу боис мактаб ва коллеж ўқувчилари дарслардан кейин марказга ошиқади.

Тўғри, ўқиш, ўқитиш пулли. Лекин кам таъминланган оилалар фарзандлари (61 нафар) бепул ўқитилмоқда. Марказ қошида янги иш ўринлари яратиш мақсадида "Даврон-Умид Файз Барака" хусусий корхонаси ташкил этилган. Бу ерда буюртма асосида куни узайтирилган мактаб ва боғчаларга чойшаб, ёстиқ жилдлари, кўрпа ғилофлари тикилади. Натижада марказда ҳунар ўрганиб чиққан ёшлардан 15 нафари ишли бўлди.

Марказ раҳбарининг ҳали режалари кўп. Улар амалга ошса, иш ўринлари янада кўпаяди.

**Саида РАҲМОНОВА.**



**СУРАТДА:** марказ раҳбари Рита Нургазиева шогирдлари билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ТАДБИРДА ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ

Бўка тумани "Чиғатой" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Жағалбайли", "Қорақудуқ" ҳамда "Олтиш" маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандлари учун "Кўчма арча" тадбири ўтказилди.

Тадбирга Қорбобо, Қорқиз ва эртак қаҳрамонлари ташриф буюриб, турли ўйинлар уюштиришди ва болаларга совғалар улашилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТОПОНИМИК НОМЛАШ ВА ҚАЙТА НОМЛАШ

*Хатлов натижасида 6 та шаҳар, 11 та шаҳарча, 24 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 147 та қишлоқ аҳоли пункти, 257 та маҳалла фуқаролар йиғини, 1515 та кўча, 14 та сой ва канал, 8 та кўприк номлари ўрганиб чиқилди.*

– **Вилоятимизда давлат қонуни ва ҳукумат қарорининг ижроси қандай кечаяпти?**

– Ушбу қонуний ҳужжатлар талабларига мувофиқ вилоятда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш билан боғлиқ ишларни тартибга солиш мақсадида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинган. Шунингдек, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳамда ходимларидан, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларидан, фан ва маданият арбобларидан, эксперт-мутахассислардан, тегишли соҳаларда махсус билимга эга бўлган шахслардан ташкил топган географик объектларни номлаш ва қайта номлаш вилоят комиссияси таркиби ва унинг Низоми тасдиқланган.

Ушбу низомга мувофиқ географик объектларнинг Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий мероси ва маънавий-этник қадриятлари билан боғлиқ номларини сақлаш, уларни қайта номлашга йўл қўймаслик, объектларни номлаш ва қайта номлашда маҳаллийчилик, ошна-оғайничилик, хизмат лавозимини суиистеъмол қилишга чек қўйиш, халқимизнинг миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар билан аташ ва қайта номлашни, шунингдек, бир маъмурий ҳудудда бир нечта объектга бир хил ном беришни бартараф этиш жойлардаги ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

– **Вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари зиммаларидаги бу ижтимоий-сиёсий вазифани қандай бажаришяпти?**

– Бугунги кунда вилоят ҳамда ҳудудий комиссиялар ҳукумат қарорини бажариш йўлида бир қатор амалий ишлар қилди. Хусусан, Юқори Чирчиқ, Пискент, Паркент туманлари ва Бекобод, Ангрен, Чирчиқ шаҳар ҳудудий комиссиялари географик объектларни хатловдан ўтказишни тўлиқ якунлади.

– **Яқинда вилоят ҳокимлигида "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси, Геодезия ва картография миллий маркази қошидаги республика Топонимика хизмати вакиллари ҳамда вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари аъзолари иштирокида географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масаласига бағишлаб ўқув-амалий машғулот ўтказилди. Тадбирда асосан нималар ҳақида сўз борди?**

– Ўқув-машғулотлари жараёнида географик объектларга ном бериш ва қайта номлашда қандай талабларга асосланиш лозимлиги ҳақида кенг ва чуқур тушунчалар берилди. Жумладан, берилган ном географик объектга хос ва мос белгиларни ўзида акс эттириши зарурлиги, шунингдек маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш кераклиги уқтирилди.

Яна бир муҳим шарт шуки, тайинланадиган ном кўпи билан учта сўздан иборат бўлиши лозим. Бундан ташқари, географик объектларга одамларнинг исм-шарифларини беришга қоида тариқасида йўл қўймаслик керак. Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган буюк шахслар бундан мустасно, албатта.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси доирасида вилоят, шаҳар ва туманларга, бир нечта турдош географик объектларга бир хил ном берилишига йўл қўйилмайди.

Географик объектларнинг номларини ўзгартиришга фақат уларнинг мақсад ва вазифалари кескин ўзгарганда, айримларининг тарихий номларини тиклаш зарур бўлганда, белгиланган номи қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беролмай қолганда, бир нечта турдош объектларнинг номлари бир хил бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ**
**суҳбатлашди.**

2013 йил – Обод турмуш йили

# ҚИШЛОҚЛАРДА ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

**Янги йил ўзгача орзу-умидлар, мустақил мамлакатимизни янада гуллатиб-яшнатиш йўлида улкан режалар билан кутиб олинди. Давлатимиз раҳбари 2013 йилни Обод турмуш йили деб номлаш ғоясини илгари суриш чоғида таъкидланганидек, уни "умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун билан, таъсирчан ва самарали тадбирлар билан тўлдириш" бугун ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.**



***2012 йилда вилоятимизнинг 27 та ҳудудида ана шундай намунавий лойиҳалар бўйича 1160 та замонавий уйлар қурилди.***

Республика Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар шундай саъй-ҳаракатларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Мустаҳкам оила йилида вилоятимизнинг 27 та ҳудудида намунавий лойиҳалар бўйича 1160 та замонавий уйлар қуришга киришилди. Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобига қурилаётган бу бинолар фойдаланишга топширилгач, туманларда 27 та кўркам, яшаш учун ниҳоятда қулай шароитлар яратилган янги маҳаллалар пайдо бўлади. Бугунгача пудратчи ташкилотларга 70 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ етказиб берилди. Натижада уларнинг бир қисми битказилиб, фойдаланишга топширилди. Янги уйларга одамлар кўчиб кириб, ҳаёт бошланмоқда.

Айни пайтда вилоят ҳокимлигининг режали саъй-ҳаракатлари натижасида қурилиш ташкилотлари монтаж, пардозлаш ишларини давом эттираяпти. Ҳозиргача 80 фоиз иш бажариб бўлинди. Қурилишда 23 минг 780 бинокор меҳнат қилаётир.

Қурилиш материаллари корхоналари бинокорларга металл прокати, цемент, черепица ва бошқа воситаларни имтиёзли нархларда етказиб беришаяпти. Янги уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш тўлиқ бажарилди, газлаштириш, электрлаштириш жадал давом эттирилаётир. Умуман, янги уй-жой массивларида 17 та трансформатор пункти, 34,6 километр электр, 57,46 километр газ тармоқлари барпо этилиб, 40 километрдан узунроқ йўл қурилиши режалаштирилган.

Уй-жой қуриш билан бир пайтда янги массивларда бозор инфратузилмасини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилиб, 47 та иншоот қурилаяпти. Жумладан, 8 та қишлоқ врачлик пункти битказилди. Ҳозир 7 та гузар, 13 та савдо мажмуаси, 4 та бозор, шунингдек, новвойхона, маиший хизмат кўрсатиш уйлари бунёд этилаяпти. Вилоят ва туман ҳокимликлари шу аёзли кунларда ҳам қурилишни сусайтирмаслик, бунёдкорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, зарур қурилиш материаллари ва ускуналарни вақтида етказиб бериш чора-тадбирларини кўраётир.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

Сарҳисоб

# МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Малакали ҳуқуқшунослар, педагог ва руҳшунослар, врачлар ва суд-ҳуқуқ идоралари ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари бу машғулотларга мунтазам жалб этилди.

**– "Оммавий маданият"нинг бугунги хуружи шароитида тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларга янгича талаблар қўйилмоқда. Шу муносабат билан жойларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлардаги ўзгаришлар ҳақида нима дея оласиз?**

– Аҳолининг ёт оқимлар, урф-одатлар, хусусан, "оммавий маданият" хуружларига берилувчан қатламлари билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар янгича ёндошув ва ечимларни тақозо этаётир. Бунда асосий эътибор бевосита маҳаллаларга зарарли таъсирларга берилувчан оилалар билан яккама-якка тарбиявий иш олиб боришга қаратилаётир. Маҳалла маслаҳатчилари, катта ҳаёт тажрибасига эга нуронийларнинг суҳбатлари яхши самара бераяпти.

Айни пайтда соғлом турмуш тарзини, ҳозирги глобаллашув шароитида мафкуравий иммунитетни шакллантириш аҳолига жаҳонда авж олиб бораётган ахборот уруши воситалари ва уларнинг мақсадлари хусусида тушунчалар берилмоқда. Шу мақсадда жойларда 287 та тадбир ўтказилиб, 42 мингга яқин тингловчи иштирок этди.

Бундан ташқари, шаҳар ва туманларда ички ишлар бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 38 та жамоатчилик гуруҳи "Ёшлар ва сиёсат", "Ёшлар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари", "Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш", "Соғлом муҳит – маънавий баркамоллик асоси", "Огоҳлик" сингари мавзуларда 120 дан ортиқ давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказди. Жамоатчилик гуруҳларига жалб этилган фаоллар маҳаллаларда рейдлар ўтказиб, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олишга ҳаракат қилишяпти. 708 та рейд давомида ёшлар тарбиясини бузувчи интернет-клублар фаолиятига чек қўйилди. 8 та интернет-клуб раҳбарига нисбатан маъмурий чора кўрилди.

**– Вилоятимизда "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлик тизими шаклланиб бормоқда. Бу ҳаракатнинг дастлабки самаралари қандай?**

– Жамоатчилик гуруҳлари ўтказаётган рейдлар чоғида вояга етмаган 18 бола назоратсиз қолдирилгани аниқланиб, ота-оналарига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилди. Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари ва Қибрай туманидаги олий ўқув юртлари ётоқхоналарида шу ҳамкорлик доирасида давра суҳбатлари, маданият арбоблари билан учрашувлар, мутахассисларнинг савол-жавоб кечалари ташкил этилаётир. Профилактик ҳисобда турган 1400 дан ортиқ хотин-қиз, вояга етмаган 177 бола билан тарбиявий ишлар кучайтирилмоқда. Бу ишларда жамоат



кенгашларига сайланган ўқитувчи, шифокор, ҳуқуқшуносларнинг фаол иштироки, айниқса, яхши самара бераяпти.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш дастури доирасида ўтказилган "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танлови "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!" шиори остида ташкил этилди. Ўқувчилар ўз маҳаллалари тарихини, урф-одат ва анъаналарини ўрганишди. Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай, Оққўрғон, Зангиота, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманлари ёшлари кўрик-танловда, айниқса, фаол иштирок этишди. Чирчиқ шаҳрининг Аҳмад Яссавий номли маҳалла ёшлар жамоаси республика босқичида муносиб қатнашди.

Кўрик-танловлар ёшларда Ватан туйғусини чуқур идрок этиш, мустақил мамлакатимизнинг муносиб ўғил-қизлари бўлиб етишиш иштиёқини кучайтирди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
**суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонун ва ижро

**Мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини рўёбга чиқариш мақсадида кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ўзгариш ва янгиланишлар Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиши, халқимиз учун янада қулай турмуш шароитларини яратиш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш жараёни тобора тезлашишига хизмат қилмоқда.**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИНИНГ АСОСИ

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим вазифаларини бажаришда фуқароларнинг фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар очиб бераётган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Шу билан бирга фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан рағбатлантиришнинг ўзига хос тизими жорий этилди. Масалан, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2008-2012 йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва бошқа фуқаролик институтларига ўзларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини амалга оширишлари учун давлат бюджетидан мазкур жамоат Фонди орқали 22,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ушбу маблағларнинг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ грант танловлари ўтказиш, субсидиялар ажратиш ва ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш орқали тақсимлаш тамойили ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 6 мингдан зиёд ННТ фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси давлат бошқаруви органлари ва ННТ ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда. Зотан, у ўз аъзоларини ташкилий, молиявий ва моддий қўллаб-қувватлашнинг турли тамойилларидан самарали фойдаланаётир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш асослари ҳақида гапирилганда, шубҳасиз, давлатимиз раҳбари илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг ролини алоҳида қайд этиш жоиз. Концепция кенг қўламли ислоҳотлар ва умумжаҳон демократик жараёнларнинг боришини теран англаш маҳсулидир. У мамлакатимиз сиёсий тизимини модернизация қилишнинг дастурий ҳужжати сифатида Ўзбекистонни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш жараёнларининг янги, юксак босқичини бошлаб берди.

**Искандар РАҲИМОВ,**
**адлия бошқармаси**
**масъул ходими.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

## Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2013 йил 6 февраль соат 14.00 да очиқ тендер ўтказилади.

**1. ШИ-1 й.т.** "4-кичик ноҳия – Марказий бозор – Оқ қайин-4-кичик ноҳия" (Оҳангарон ш.) (такрорий)
**2. ВХ-437** "Тўйтепа АББ – Қайтмас ф/у" (такрорий)
**3. ВХ-444** "А. Навоий ф/у – Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
**4. ВХ-445** "Ўртасарой қ.ф.й. – Янгибозор АШБ" (Ўртасарой қ.ф.й. томондан) (такрорий)
**5. ВХ-580** "Ўзбекистон ф/у – С. Раҳимов м.б. АШБ" (такрорий)
**6. ВХ-471 й.т.** "Бўзсув қ.ф.й. – Бобур маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
**7. ВХ-241** "Улуғбек маҳалласи – Ширин АШБ" (такрорий)
**8. ВХ-200** "Оққўрғон АШБ – 9-бўлим" (такрорий)
**9. ВХ-275** "Янгийўл АШБ – С. Раҳимов АШБ" (такрорий)
**10. ВХ-288** "ЎзМЭИ – Жунариқ маҳалласи" (такрорий)
**11. ВХ-481 й.т.** "Ғишт завод – Пахтакор АШБ" (такрорий)
**12. ВХ-251** "Бекобод АББ – Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
**13. ВХ-512 й.т.** "Чирчиқ АББ – Ботаника маҳ. – Саёҳат меҳмонхонаси бекати" (такрорий)
**14. ВХ-534 й.т.** "Гулистон маҳалласи (Саидота қабристони) – Юнусобод" (такрорий)
**15. ВХ-534 й.т.** П "Гулистон маҳалласи (Саидота қабристони) – Юнусобод" (такрорий)
**16. ВХ-535 й.т.** "ТошДАУ – Чувалачи маҳалласи" (такрорий)
**17. Битта пакет билан:**
**ВХ-538 й.т.** "Чирчиқ АББ – Айдарали қишлоғи"
**ВХ-544 й.т.** "Тавоқсой сиҳатгоҳи – Белоножко АШБ" (такрорий)
**18. Битта пакет билан:**
**ВХ-539 й.т.** "Думалоқ қишлоғи – Чирчиқ АББ"
**ВХ-553 й.т.** "Ғазалкент АШБ – Дўстлик маҳалласи" (такрорий)
**19. Битта пакет билан:**
**ВХ-540 й.т.** "Кўшкўрғон қишлоғи – Чирчиқ АББ"
**ВХ-526 й.т.** "Чирчиқ АББ – Абай қишлоғи"
**ВХ-545 й.т.** "Ғазалкент АШБ – Абай қишлоғи" (такрорий)
**20. Битта пакет билан:**
**ВХ-514** "Чирчиқ АББ – Янгибозор АШБ"
**ВХ– 514 й.т.** "Чирчиқ АББ – Янгибозор АШБ"
**ШИ-14** "Максам Чирчиқ корхонаси – 8-кичик ноҳия" (такрорий)
**21. Битта пакет билан:**
**ВХ-376 й.т.** "Янгибозор АШБ – Чумчуқжар қишлоғи"
**ВХ-377 й.т.** "Янгибозор АШБ – Қорақалпоқ ф/у 2-бўлим" (такрорий)
**22. ВХ-541 й.т.** "Оққўрғон АШБ – Хонқа (Элтамғали орқали) " (такрорий)
**23. ВХ-551 й.т.** "Иқбол маҳалласи – Юнусобод даҳаси (Универсам бекати)" (такрорий)
**24. ВХ-584 й.т.** "Чиноз – Олмазор қўрғони" (такрорий)
**25. ВХ-589 й.т.** "Нодиробод маҳалласи – Юнусобод АШБ" (такрорий)
**26. ВХ-338** "М. Ўзбекистон ф/у – Олмалиқ АШБ" (такрорий)
**27. ВХ-393** "Бўка АШБ – Саймоқов ф/у" (такрорий)
**28. ВХ-415** "Қизилтоғ қ. – Қўйлиқ АШБ (Олға орқали)"
**29. ВХ-415а** "Қизилтоғ қ. – Қўйлиқ АШБ (Енбек орқали)" (такрорий)



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситаларни ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёҳуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2013 йил 1 февраль соат 18:00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2013 йил 5 февраль соат 18:00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали.**
**Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 3 январдаги**

**1-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги:**
**Зангиота туманидаги**
**"PANTERA TRANS SERVIS" МЧЖга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2011 йил 7 июнь куни берилган "АТ" серияли 000407 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 4 январдан бошлаб 10 (ўн) иш кунига тўхтатилиши тўғрисида маълумот беради.

**Зангиота туманидаги "YAGUAR TRANS" МЧЖга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2012 йил 17 сентябрь куни берилган "АТ" серияли 000569 рақамли ва "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2008 йил 28 апрель куни берилган "АТ" серияли 000054 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 4 январдан бошлаб 10 (ўн) иш кунига тўхтатилиши тўғрисида маълумот беради.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 08.05.2012 йилда реестр тартиб рақами 005156-01 билан рўйхатдан ўтган (ИНН 302297372) "ELIZABET STELLA-NIK" хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида ислоҳотлар ўтказилаётганлиги сабабли 2013 йил 15 февралдан ўз фаолиятини тугатади.

Утерянную лицензию на фармацевтическую деятельность выданную для фармацевтической деятельности для филиал склада ООО "ATM PARTNERS" по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Саракульская, тупик 4, дом 31-А-33-34,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 08.09.2009 йилда реестр тартиб рақами 001300-01 билан рўйхатдан ўтган (ИНН 300072243) "ВАНТ BARAKA BIZNES" хусусий корхонасининг устав фонди 873 247 955 сўм 36 тийиндан 44 900 000 сўмга камайишини маълум қилади.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ очиқ танлов савдосига таклиф этади!**

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 27 декабрдаги 141-С-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти Паркент туман ҳокимлиги балансидаги Тошкент вилояти, Паркент тумани, Истиқбол кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси 164 636 000 сўм бўлган, нотураржой биноси (бундан кейин "давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Тошкент вилояти Паркент туман хокимлиги.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: маъмурий бошқарув.

Давлат активи ер участкасининг умумий майдони 0,262 Га; биноларнинг қурилиш ости майдони 253,36 кв.м.

Бинода ҳеч қандай коммуникация тармоғи мавжуд эмас.

Давлат активини танлов савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятларини олиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Танлов савдоси 2013 йил 4 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 1 февраль куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2013 йил 4 февралдаги танлов савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдолари 2013 йил 11, 18 ва 25 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2013 йил 11 февралдаги савдолар учун 8 февраль куни соат 18:00; 18 февралдаги савдолар учун 15 февраль куни соат 18:00; 25 февралдаги савдолар учун 22 февраль куни соат 18:00.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизи, яъни 24 695 400 сўмдан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камини ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишни таъминлайди.

Танлов савдолари Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй манзилидаги бинонинг 4-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52, 228-84-48.

Веб сайт www.1kms.uz. Электрон почта манзил: rieltsavdo@inbox.uz.

**Лицензия: RR-0001.**

## Тадбиркорлик субъектлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли Фармонида 2013 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларини ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда бериш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.**

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини қабул қилиш бўйича марказлаштирилган электрон дастурий таъминот ишга туширилди ва "Хўжалик судларига тадбиркорлик субъектлари томонидан даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон кўринишда беришнинг Вақтинчалик Тартиби" ишлаб чиқилди.

Эндиликда, тадбиркорлик субъектлари ушбу Вақтинчалик Тартиб талабларига риоя этган ҳолда Олий хўжалик судининг расмий электрон сайти ҳисобланган – **"economical-court.uz"** манзили орқали хўжалик судларига шу ўринда Тошкент вилоят хўжалик судига ҳам даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон шаклда тақдим этишлари мумкин.

Хўжалик судларига ҳужжатларни электрон кўринишда беришга оид маълумотлар ушбу сайтнинг **"Электрон қабулхона"** рукнида берилган.

***Қўшимча маълумот учун телефон: 277-91-51. Тошкент вилоят хўжалик суди.***

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

"Ўзбекистон Металлургия комбинати" ОАЖнинг 2012 йил 24 декабрдаги 30/07-304-сонли хатига асосан, "Ўзбекистон Металлургия комбинати" ОАЖга тегишли, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси манзилида сақланаётган 2003 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами: 875489, кузов рақами: ULV3L31BD3A135825, ранги: "Серебристый", автотранспортни қайд этиш гувоҳномаси: ААВ 0439093, давлат рақами: 10 TV 271 бўлган, "Нексия" русумли автортранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 6 401 134 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 4 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 4 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 8 ва 14 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ХЁАТБ "HI-TECH BANK"идаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904996600001, МФО 01066, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

**Гувоҳнома № 006795.**

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 01.11.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и/ч., Ваз 21053 русумли, д/р 10 Т 971 СА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 972 781 сўм. "Мариам Текстил Сервис" МЧЖ жарима майдонида сақланмоқда. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11383/24-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и/ч., Нексия Сонс русумли, д/р 10 760 ИАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич бахоси – 22 102 000 сўм. "Кўк Терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 5 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 5 февраль куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 20 февраль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

**Гувоҳнома № 004593.**

## «Сувсоз» ДУК қошидаги «MUSAFFO OBI HAYOT» МЧЖ

**Тошкент вилоятининг Қибрай ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувидан истеъмол қилаётган абонентларга 2013 йил 20 январдан бошлаб:**

**Аҳоли учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 150,00 сўм
Оқава хизмати – 1 м. куб – 68,00 сўм

**Юридик корхоналар учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 415,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати – 1 м. куб – 138,00 сўм (+20% ҚҚС)

**Бошқа улгуржи истеъмолчилар:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 150,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати – 1 м. куб – 68,00 сўм (+20% ҚҚС)

**Бюджет корхоналар учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 119,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати – 1 м. куб – 66,00 сўм (+20% ҚҚС)

ООО "MACRO MARKET" (ИНН 302116217), зарегистрированное инспекцией гос. регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Алмазарского района, расположенное по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, л. Фароби, дом 448-А объявляет о присоединении к ООО "BEIJAN TRADE" (ИНН 301731197), зарегистрированное в инспекции гос. регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Юнусабадского района, расположенное по адресу: г. Ташкент, Юнусабад 11-квартал, ул. А. Дониш, дом 2-Б.

ООО "MEK SAVDO TEXNIKA" (ИНН 301570042) Шайхантахурского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 219 819 316 сум до 119 819 316 сум. Тел.: +99890 327-46-46, +99871 274-00-22.

Утерянный диплом М № 042583, выданный в 2009 году ТГТУ на имя Дадамухамедова Улугбека Тургуновича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**


Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси бошқарманинг раҳбар ва педагог кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини ошириш шўъбаси бош мутахассиси Раҳматилла Мўминовга падари бузруквори

**ШАМСИДДИН**
**ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт

# ЁШ БОКСЧИЛАР БАҲСИ

**Пойтахтимизда 1995-1996 йилларда туғилган ёшлар ўртасида халқаро хотира турнири ўтказилди. Унда юртимиз спортчилари билан бирга қозоғистонлик ёш боксчилар саккиз вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди.**

Вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги финал беллашувида наманганлик Шукуржон Раҳимов қозоғистонлик Самат Нисановни, 60 килограмм оғирликдаги боксчилар баҳсида андижонлик Отабек Турдихўжаев қозоғистонлик Асилбек Есеновни енгиб, олтин медални қўлга киритди.



Ўз вазн тоифасида пойтахтлик Эргаш Назаров, Фаррух Аҳадов, сирдарёлик Достон Ҳазратқулов, наманганлик Мурод Турғунов, бухоролик Достон Назриев ва қозоғистонлик Еламан Ҳамидов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ШАХМАТЧИЛАРИМИЗНИНГ РЕЙТИНГИ ОШМОҚДА

**Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ энг кучли шахматчиларнинг 2013 йилдаги дастлабки рейтинг жадвалини эълон қилди.**

Унга кўра, 2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ўн етти поғона юқорилаб, жадвалнинг 33-қаторидан жой олди. Унинг ҳисобида жами 2709 очко бор. Бу халқаро гроссмейстеримиз фаолиятидаги энг юқори рейтинг кўрсаткичидир.

Ҳамюртимизнинг жаҳон рейтингида юқорилашида 2012 йилнинг охирида Тошкент шаҳрида юксак савияда ташкил этилган ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқичидаги муваффақиятли ўйини асосий омил бўлди. Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида дунёнинг энг кучли ўн икки нафар гроссмейстери иштирокида ўтган мусобақада Рустам Қосимжонов ўн бир учрашувда мағлубиятга учрамаган ягона шахматчи бўлди.

Яна бир ёш гроссмейстеримиз Антон Филиппов ҳам ФИДЕ рейтингида тобора юқориламоқда. 2012 йилнинг ноябрь ойида илк бор энг кучли юз нафар шахмат устаси рўйхатига киритилган Осиё чемпиони А. Филиппов 2652 очко билан яна тўрт поғона кўтарилиб, 95-ўриндан жой олди.

Мамлакатимизнинг кўп карра чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева илк маротаба 20 ёшгача бўлган шахматчи қизлар рейтингига киритилди. Спортчимизнинг мусобақаларда жамғарган натижаси ҳозирча 2135 балдан иборат.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Bolalik bog`i

# ChIROYLI QORBOBO



Tongda boshlangan qor kechgacha bo`ralab yog`di. Ko`pdan beri bunday qalin qor yog`magandi. Bundan biz bolakaylarning quvonchimiz cheksiz edi. Chunki chana va sirpanchiq uchishni rosa sog`ingandik.

Akalarim hovlimiz o`rtasiga chiroyli Qorbobo yasab berishdi. Ko`zlarini qora ko`mirdan, burnini sabzidan yasashdi. Hamma ish bitgach, Qorboboning chiroyliligini ko`rib, suyunib ketdim va darrov onamga maqtandim.

– E, qoyil-ey, akalaring senga chiroyli Qorbobo yasab berishibdi. Bunday Qorbobo yasash hammaning ham qo`lidan kelavermaydi, – dedi onam ma'nodor kulib.

Ertasiga qishlog`imiz bolalari hovlimizga to`planishdi. Akalarim yasab bergan Qorboboni ko`rishdi-yu, havaslari keldi. O`zim ham Qorbobodan ko`z uzolmay qoldim. Ichkarida o`tirganimda ham derazadan kuzataman.

O`sha kuni barvaqtroq uxlab qolibman. Tuni bilan yomg`ir yog`ib chiqqanini sezmabman ham.

Tongda uyg`onib tashqariga chiqdim. Qarasam, ne ko`z bilan ko`rayki, Qorbobo joyida yo`q! Alamdan dod deb yubordim. Baqirig`imni eshitib, onam yugurib chiqdi.

– Hay-hay, bolajonim, nega yig`layapsan?

– Ana... Qorbobom yo`q. Bilaman, uni kimdir... Bo`lmasam qani u?

Shu topda onamning labiga tabassum indi:

– Obbo, o`zimning soddagina bolajonim-a! Qara, kun biroz ilidi. Akalaring yasagan Qorbobo tuni bilan erib ketibdi. Bundan xafa bo`lma. Senga akalaring bundan ham chiroyli Qorbobo yasab berishadi...

Qancha qorlar yog`di. Akalarim menga chiroyli Qorbobo yasab berishdan charchashmasdi. Ammo ular ham uzoq turmay erib ketardi. Endi men yig`lamasdim. Chunki bu vaqtga kelib o`zim ham Qorbobo yasashni o`rganib olgandim.

...Tongda boshlangan qor kechgacha bo`ralab yog`di. Ko`pdan beri bunday qalin qor yog`magandi. O`g`ilcham Otabekning quvonchi cheksiz. Negaki, u qor yog`ishini ko`pdan beri intiq kutayotgandi. Bugun unga va'da qilganimdek, chiroyli Qorbobo yasab berdim.

**Latifjon MANSUROV.**

Кўргазма

# ТУРФА ОЛАМ

**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясидаги "Турфа олам" кўргазмасига қўйилган асарлар Ўзбекистон рассомларининг узоқ ва яқин хорижий мамлакатларга ташрифлари натижасида яратилган бугунги оламнинг турфа кўринишини акс эттирувчи ижод намуналаридир.**



Мазкур кўргазмага ўзбек рассомларининг бир неча авлоди – машҳур рассомлардан тортиб ёш ижодкорларнинг турли жанр ва йўналишларда яратилган асарлари қўйилган. Кўргазмадан Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиклари Алишер Мирзаев, Акмал Икромжонов, Марат Содиқов асарлари ҳам ўрин олган.

Экспозицияга қўйилган асарларда Италия, Греция, Россия, АҚШ, Корея, Франция, Хитой, Украина, Туркиянинг шаҳар ва қишлоқлари, табиат манзаралари, ўзига хос шижоатга эга кишилари портретлари, этник маданияти, умуминсоний қадриятлар, оламнинг бирдамлигини кўрамиз. Уларда кишиларнинг ички дунёси, миллий хулқ-атвори очиб берилган.

Доимий кўргазма ҳам галереяга келган ихлосманднинг эътиборини тортади, албатта. Ундаги экспонатларда рассомларнинг турли йилларда яратилган, юртимизнинг гўзал манзаралари, ижтимоий-маданий ҳаётимизнинг турли қирралари ифодасини, маданиятимиз арбоблари, меҳнат аҳли вакилларининг сиймоларини кўрамиз.

Номсиз асарларда эса, томошабин ўзига таниш инсонлар, табиат манзаралари, машҳур устоз-рассомлар яратган мактаб, унинг анъаналари давомийлиги, тасвирий санъатимиз ривожи, ижодкорнинг фуқаролик позицияси, профессионал маҳоратини кўради.

Рассомларнинг Тошкент вилоятининг гўзал табиати акс этган, турли йилларда яратилган "Катта Чимён" (1938 йил. М. Аринин. (1898-1991), "Қибрайда шом" (1957 йил, В, Еремян (1897-1963 й.), "Ҳожикент" (1960 йил, В. Соседов (1929-1990 й.), "Оқтош" (1981 й. А. Раҳимов), "Хумсон" (1997 й. Қ. Бошоров), "Булутли кун. Сўқоқ" (1997 й. Искра Шин) ва яна Сижжакка бағишланган учта асарларни, шунингдек, ҳаётимизда, маданиятимиз-санъатимизда юз бераётган ўзгаришларни кўриш мумкин.

Кўргазма 21 январгача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Рассом хандаси




# ҲИКМАТ ТЎЛА ДУНЁ БУ

**ИМКОН**

Оқиллар йўқ жойдан топгайлар имкон,
Борни ҳам қўлдан бой беради нодон.

**КАМТАРЛИК**

Камтарлик ҳикматдир, камтар бўл ҳар он,
Инсонсан, унутма, чекланган имкон.
Ўзни осмон тутган ер бўлажак, ер.
Ўзни ер билган-чи, бўлажак осмон.

**ЗАНГ**

Жонни қийнамасдан юрасиз аранг,
Эҳ сиз, ғўр кимса, атрофга қаранг.
Дангасалик – зангдир, ҳаракат – ҳаёт,
Ҳар қандай нарсани чиритади занг.

**ТЎҒРИ ВА ЭГРИ**

Адл терак – устун,
Эгри терак – ўтин.

**ҚАЛБ**

Қалб мисол бир қалъадир – метин,
Қурол тутган унга киролмас лекин.
Меҳру муҳаббат ва олижаноблик
Қалб қалъасин забт этиши мумкин.

**РИЗҚ**

Уйқунгни тежасанг рўзинг узаяр,
Нафсинг тия олсанг ризқинг кўпаяр.

**Маъмур БОЗОР АЛИ.**




Умида қўл телефонидан керакли рақамни терди:

– Салом, Гаури Рамеш...

– Гаури деяверинг, – Умиданинг сўзини бўлди аёл овози. – Сиз ким бўласиз?

– Умидаман! Диля Акбарованинг дугонасиман...

– Диля "дипломат"ними?

– Ҳа, унинг эри дипломат! – деди шошилиб Умида.

– Диля менга сиз ҳақингизда айтган эди. Хўш, мендан нима истайсиз?

– Мазам йўқ, Гаури, ёрдамингизга муҳтожман! – ёлворди Умида йиғламсираб.

– Та-а-ак! ?рдамимга муҳтожсиз, – Гаури бироз ўйлаб, ниҳоят бир қарорга келди: – Сизни шанба куни 9.00 да кутаман!

– Гаури, шанбагача тўрт кун бор. Унгача ўлиб-нетиб қолишим мумкин!

– Ўлмайсан! – қисқа қилди Гаури. – Бошқа кунларим тўлиқ банд қилинган!

Умида ноилож рози бўлди. Диляга қўнғироқ қилиб, экстрасенс билан келишиб олганини айтди.

– Ростини айтсам, Гаурининг сени қабул қилишига кўзим етмаган эди. У фақат казо-казоларни қабул қилиб, катта пулга ўрганиб қолган.

– Айтганини бераман, сени уялтириб қўймайман! – деди Умида.

Келишилган вақтда Умида Гаурининг квартираси қўнғироқ тугмасини босди. Эшикни ёши саксонлардан ошган бўлсада, анча тетик кампир очди. Кўзи чўғдек ёниб турганини кўрган Умида бу – ўша машҳур Гаури эканини тушунди.

– Оёғингни остонадаги полосга уч марта қоқиб кир! – буюрди Гаури.

Умида кампирнинг кетидан худди авлиёга эргашгандек, меҳмонхонага кирди. Ярим қоронғу хонада фақат шамчироқлар бўлиб, Ҳиндистоннинг сандал чўплари хушбўй ҳид таратарди. Шарқ афсоналаридаги даҳшатли маҳлуқларнинг турқи акс этган ўнга яқин ниқоблар деворнинг ҳар ер-ҳар ерига осилган. Улар худди тирикдек, оғизларини важоҳат билан очганча, одамдан ёвуз кўзларини узмасди. Стол устидаги катта аквариумда бир илон кулча бўлиб, ҳандалакдек келадиган биллур тошни ўраб ётарди. Сервантнинг ичидаги иккита уч литрли шиша банкаларнинг бирида уч-тўрт ойлик чала туғилган чақалоқ, ёнидаги идишда аллақандай маҳлуқнинг эмбриони спирт ичида ётарди-ки, уларга кўзи тушган Умида ҳушидан кетаёзди.

Бу орада диванга чўккан Гаури Умидани қаршисидаги стулга ўтқазди-да, унга синчков тикилди. Бигиздек санчилган кўзлар олдида довдираб қолган Умида:

– Мени қабул қилишга рози бўлганингиз учун, раҳмат, хоним! – деб ғулдиради.

– Раҳмат дема! – унинг сўзини бўлди Гаури. – Мен Ҳиндистондан келган жодугарман! Жодугарлар иблислар билан иш тутади. Шунинг учун жодугарларга сира "Раҳмат!" дейилмайди.

Гаурининг синчков назаридан ўзини жуда ноқулай сеза бошлаган Умида бу сирли даргоҳга келишидан мақсади ҳақида гапириш учун оғиз очганида Гаури уни тўхтатди:

– Бу ерда фақат мен гапираман. Сен эса саволларимга "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бериб ўтирасан.

Кампир диванда қалашиб ётган ўнга яқин ғалати карта тўпламларини Умидага кўрсатиб:

– Танла! – деди.

Умида тўп ичидан тортиб олган картасини Гаурига узатди. Карталарни олдига ёзиб ташлаган Гаури, уларга тикилганча, деди:

– Сенинг ҳамма касалинг жигарингда! Жигар қонни тозалаб, юрагингу бутун аъзоларингга етказиб беради. Жигаринг қаттиқ шикастлангани учун юрагингга ҳам, миянгга ҳам тоза қон келмай қўйган. Оқибатда тинканг қуриб, юрагинг тез-тез безовта қилмоқда, миянгга қон келиши ёмонлашгани туфайли бошинг айланади, ёмон фикрлар қуршовидасан...

Умида айни шу дардлар берган азобдан жонини қаерга қўйишни билмай қолган эди.

Гаури ғаладондан бир суюқ дори солинган шиша идиш олиб, Умидага узатди-да, уни аста-аста тамшаниб ичишни буюрди. Дори танасига тарқалиши билан юрак санчиғи, жигарнинг лўқиллаши йўқолди, дили ёришди. Умидадаги ўзгаришни сезган кампир жилмайиб деди:

– Бахил бўлма. Ёвуз фикрларни миянгдан чиқариб ташла. Яқинларингга, танишбилишларингга доим яхшилик қил! Шунда жигаринг соғайиб кетади. Бошқа дардларга ҳам мубтало бўлмайсан.

Гаури Умиданинг ўнг қўли кафтига узоқ тикилди.

– Умринг... нисбатан узоқ эмас! Эҳтиёт бўл, – деди.

– Нега? – Умиданинг ранги ўчди.

– Мен "нисбатан" дедим. Сўзимни бошқа бўлма! – буюрди жодугар сўнг кафтдаги чизиқларга қараб, – онангдан иккитагина туғилган экансизлар. Сен кенжасисан, сендан катта аканг бор экан.

Умида бош силкиб, тасдиқлади. Жодугар гапида давом этди:

– Сенинг ҳам иккита фарзандинг бор экан. Каттанг – қиз, турмушга чиққан, кичигинг ўғил – уни уйлантириш ғамида юрибсан. Оиланг бузилган, оғир феъл-атворинг туфайли эринг ташлаб кетган...

Умиданинг кўзи қинидан чиқаёзди. Чунки Гаури худди унинг таржимаи ҳолини ўқиб бераётгандек гапирарди. Жодугар бошқа хонадан оддий тақсимча ва шамчироқ олиб чиқди, Умиданинг орқасига ўтиб деди:

– Энди кўзингни чирт юмиб ўтирасан. Мен бошинг устида шамчироқ ёқиб, дуо ўқийман. Шунда сен ўрнингдан туриб, кўзинг юмуқ ҳолда энг яхши орзуинг ушалишини тилаб, секин уй ичида айланасан. Қўрқма, ҳеч нарсага туртилиб кетмайсан. Бошқа хонага ҳам ўтишинг мумкин. Бундан ҳам чўчима. Сени қарама-қарши дунёдаги кучлар етаклаб юради. Фақат кўзингни оча кўрма. Қаерда қўлинг бирор нарсага тегиб кетса, шуни олиб менга узат. У нарса менинг қўлимга ўтгач, кўзингни очиб, мени ўз жойимга олиб келиб ўтқазасан!

Қандайдир кўринмас қувват қуршовида қолган Умида ўрнидан зўрға турди. Орқасидаги жодугар унинг чап елкасига кафтини қўйиб, юришга ундади. Номаълум тилда ўқилаётган жоду дуолари оҳангида оҳиста қадам билан хонани айланди. Қизиғи шундаки, у кўзи юмилган ҳолда тор меҳмонхонада тахминан беш дақиқача айланса-да, бирор нарсага урилиб кетмади. Кейин бирдан қандайдир тўлқин таъсирида бир қўли тепага кўтарилганини сезди. У қўл ҳаракатини идора этолмасди. Тепага кўтарилган қўли бир ғаладон ичини пайпаслаб халтача олди-да, ичидаги нарсани жодугарга тутди. Халтани олган кампир, ҳамон дуо ўқишдан тўхтамасди.

Умида кўзини очди. Кампирнинг кўзи қора латта билан чандиб боғланган эди. У Гаурини етаклаб, диванга ўтқазди. Кўзи боғлиқ Гаури халтани тақсимчага қўйди ва ўқишда давом этди. Умида халта устига шамчироқдан эриб тушаётган қизиқ шаклларга тикилиб ўтирарди. Жоду дуоси тугагач, Гаури кўзидаги боғични ечиб, тақсимчадаги халтага қараб деди:

– Параллел дунёдаги руҳлар сенга ҳиммат қилишипти. Халтада муқаддас маймун жасадининг бир панжаси ётибди. Бу маймун узоқ Суматра ороли Берисан тоғли ўлкасидаги Жомий масжидида 330 йил яшаган. Бутун Индонезия-ю қўшни мамлакат аҳли уни авлиёдек билишган. Чунки кимки маймунни зиёрат қилиб, панжасига бош қўйганча, орзусидаги нарсани сўраса, тилаги рўёбга чиққан. Маймун ўлгач, тўрт панжасини у ҳаётлигида ювиб-тараб юрган тўрт оқсочга беришган. Шу тўрт оқсочнинг бири мен эдим... Маймун панжасини сенга бир кунгагина бериб юбораман. Эрта тонгда, қуёш чиқмай туриб, таҳорат ол. Кейин Шарққа қараб, тиз чўкиб ўтир. Қуёш кўтарилиши олдидан маймун панжасини халтадан олиб, олдингга қўясан. Кейин энг азиз орзуларингдан бирини дилингда қайтариб, унинг ушалишини маймун панжасидан сўрайсан. Кейин панжага пешонангни қўйиб, уни ўпасан. Шунда қирқ кун ичида тилаган орзуларинг бажарилади.

Қувончдан Умиданинг кўзлари чақнаб кетди. Гаурининг ёнида турган кичик темир қутига уч юз доллар ташлаб, муқаддас маймуннинг панжасини олди. Умидани кузатар экан, Гаури уни остонада тўхтатиб уқтирди:

– Очкўз бўлма, фақат битта, узоғи билан иккита тилак тила. Маймун панжасига сира ёруғлик тегмасин, қуввати кетиб қолади...

Умида туни билан мижжа қоқмади. Тонг бўзара бошлаши билан таҳорат олиб, Шарқ томонга юз тутган хонасининг балконига чиқди. Чўккалаб тиззасининг олдига маймун панжасини қўйди-да, илтижо қилиб, тилай бошлади:

– Эй, муқаддас маймуннинг табаррук руҳи, бепушт қизимга фарзанд ато эт! Қизимнинг боласини кўриб, жажжи бармоқларини бир марта ўпсам, бу дунёдан армонсиз кетар эдим...

Шундай деб, ўкириб йиғлаб юборди. Шунда, қай кўз билан кўрсинки, маймун панжасига жон кириб, бир бармоғи титраб кетди. Буни маймун руҳи тилагини қабул қилганининг аломати деб тушунган Умида, панжа бармоқларини ўпа бошлади. Кейин яна битта тилак айтишни шарт деб билиб, маймуннинг жунли панжасига пешонасини қўйди:

– Эй, маймунлар подшоси, саховатли маймун руҳи! Менга раҳм қил! Ўғлим Собирнинг ҳам бир бошини икки қил! Шунинг учун менга беш минг долларни ғойибдан етказ!

Умида қувониб кетди. Чунки унинг бу тилаги ҳам қабул қилиниб, маймун панжасидаги иккинчи бармоқ ҳам қимирлаб қўйди. Ўзида йўқ хурсанд бўлган Умида маймун панжасини ўпиб, бармоқларини кўзларига суртарди. Иштаҳаси очилиб кетган Умида панжадан яна бир орзуси амалга ошишини сўрамоқчи бўлди.

– Эй, маймунлар султонининг ҳурматли руҳи! – деб мурожаат қилди Умида маймун панжасига пешонасини босиб. – Кўкрагим кичиклигидан эримдан ажраганман. Шу камчилигимни тузатиб бер.

Худди уйда яна биров бордек, қизарганча орқа-олдига қараб қўйди. Уфқда қуёш кўринганини сезиб, маймун панжасини дарҳол халтачага яширди.

Халтани Умидадан олар экан, Гаури сирли жилмайиб, деди:

– Энди кут. Нимани сўраган бўлсанг, шуни оласан.

Кечқурун Умиданинг қизи қўнғироқ қилиб, қувончдан юраги ёрилгудек бўлиб, ҳомиладор бўлганини хабар қилди. Ўғлининг ҳам ишлари юришиб кетди. Собир ишлаётган чет эл компанияси чўлда каттагина газ конини топди. Маоши уч карра ошган Собирнинг сафардан боши чиқмасди. Умида бу ютуқлардан боши кўкка етиб, ўғлининг бир бошини икки қилиш ҳаракатига тушди. Ҳар кўзгуга қараганида, кун сайин тўлишиб бораётган кўкрагидан завқланган Умида, маймун панжасидан фақат учтагина ниятига ёрдам сўраганидан афсусланди. Чунки Гаурининг фақат бир кечагагина берган сеҳрли маймун панжаси ҳар нарсага қодир эканига бошида унча ишонмаган эди...

Кун сайин эмас, соат сайин тўлишиб бораётган кўкраги Умиданинг ҳуснига-ҳусн қўшгандек эди. Юрганида тўлқинланиб, эркакларнинг кўзини олар, аёлларнинг ҳавасини келтирарди. Кийимлари тор келиб қолаётгани ҳам муаммо эмас, ширин ташвишдек туюларди...

Маймун панжасига сиғинганига роппа-роса қирқ кун бўлганида, кечқурун эшик қўнғироғи қаттиқ жиринглади. Негадир Умиданинг юраги "шиғ" этиб кетди. Аста бориб эшикни очди. Остонада унга мутлақо нотаниш уч-тўрт одам хомуш турарди. Умиданинг ҳақиқатан ҳам Собирнинг онаси эканини билишгач, улардан бири деди:

– Мен ўғлингиз Собир ишлаётган компаниянинг расмий вакилиман. Бахтсиз ҳодиса юз бериб, ўғлингиз нобуд бўлди! Бошига ҳимоя қалпоғини киймагани учун шу ҳалокат юз берди. Бунда компания ҳеч қандай масъулиятни ўз зиммасига олмайди. Шундай бўлса-да, компания раҳбарияти ўз бюджетидан товон пули сифатида сизга беш минг доллар ажратди, – деб Умиданинг қўлига доллар солинган конвертни тутди.

Шум хабардан Умиданинг эси оғиб қолди. Конвертни кўкрагига босганча, остонага ҳолсиз чўкди. Бечора ҳеч кимга ҳеч нарса дея олмас, катта-катта чиройли кўзлари эшикдаги одамларга бефарқ қарарди. Ниҳоят, ҳалиги одамлар Собирнинг жасади солинган тобутни ичкарига олиб кириб қўйишди-да, ҳамон остонада ўтирган Умидага таъзия изҳор қилиб, чиқиб кетишди.

Гангиб қолган Умида ўрнидан туриб, меҳмонхонанинг ўртасига қўйилган тобут ёнига борди. Чойшабга ўроғлиқ жасаднинг юзини очди. Эти жимирлаб, бадани сесканди. Ўликхона шифокорларининг уринишларига қарамай, Собирнинг боши худди қилич билан чопилгандек, иккига бўлингани кўриниб турарди...

Ўғлининг доғида қаттиқ куйган Умида ётиб қолди. Ҳомиладор қизи икки уй орасида қатнаб, эси кетди. Бир гал ҳолидан хабар олиш учун қизи эмас, куёви келди. У шодон эди.

– Ойижон, невара муборак бўлсин! Кечаси қизингизнинг кўзи ёриди, ўғил кўрдик, – деди куёви қувониб.

Умида қувонмади. Умрининг саноқли кунлари қолганини биларди...

Онасининг оғирлашганини эшитган қизи, чиллали эканига қарамай, чақалоғини кўтариб, онасиникига келди. Умида беш йил орзиқиб кутган набирасига худди Азроилга қарагандек, қути ўчиб термулди. Тоғдек босиб турган кўкракларининг оғирлигидан зўрға нафас оларди. Чақалоқнинг жажжи бармоқларини ўпиб, ёшланган кўзларига суртди-да қизига деди:

– Маймун панжасидан нимаики сўраган бўлсам, ҳаммасини берди! Пул бериб, укагинангни бошини икки қилиб қўйишни сўрагандим, Собиржоннинг бошини иккига бўлиб, айтган пулимни берди. Сенинг болангни кўриб, бармоқларини ўпиб, кўзимга суртсам, армонсиз кетар эдим, деганим ҳам амалга ошди... Аввало, Яратган берганига шукр қил. Қаноатли бўл. Бирор нарса ният қилсанг, жуда эҳтиёт бўл! Тилагинг аниқ бўлсин.

Қизи тутган сувдан бир ҳўплаган Умиданинг кўзлари аста юмилди...

**Аъзам АЗИМИЙ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6121. Адади 16705. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45.